O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV. №

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
20 AVGUST
SESHANBA
№ 100 (26.959)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ЎТГАН ҲАФТА: ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

МАЗМУН-МАТЛАБИДА ИНСОН МАНФААТИ

14 август куни Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида 2003 йил республика давлат бюджети лойиҳасининг муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда таъкидланганидек, бюджет лойиҳаси асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар башорати — прогнозидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилди. Жорий йилга нисбатан ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ва инфляция даражасининг пасайиши ҳисобга олинди. Чунончи, хўжалик субъектларининг иқтисодий эркинлигини кенгайтириш ва айланма маблағларни кўпайтиришга алоҳида аҳамият берилди. Шунингдек, ишбилармонлик фаоллигини ошириш учун хўжалик субъектларининг солиқларини камайтириш масаласи — лойиҳада асосий ўрин эгаллади.

Аниқроқ айтганда, юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солинаётган солиқ ставкаси 2003 йилда 4 фоизга камаядиган бўлди. Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан ижтимоий суғуртага мажбурий тўловлар ставкаси ҳам 2,8 фоизгача пасайтирилиши кўзда тутилди. Дейлик, бугунга қадар тўловчиларнинг иккинчи ва учинчи гуруҳлари бўйича солиқ ставкалари бир мунча юқори эди. Паст ставкалар билан солиққа тортиладиган гуруҳлар бўйича умумий даромад чегаралари ҳам муайян даражада торроқ эди. 2003 йилдан бошлаб иккинчи ва учинчи гуруҳлар бўйича солиқ ставкаларини пасайтириш ҳамда солиққа тортиладиган гуруҳларнинг даромад чегараларини кенгайтириш эвазига жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқларни ўртача 10 фоизга камайтириш мўлжалга олинди.

Булар шубҳасиз, келгуси йил солиқ солинадиган базаларнинг кенгайишига ва солиқларнинг тўлиғича йиғилишига ҳамда бу йўлда кўриладиган барча чора-тадбирларнинг амалга ошишига имкон яратади. Молия, солиқ ва божхона идоралари солиқлар ҳамда тўловларнинг вақтида йиғилишини таъминлашларига аниқ йўналишлар беради. Айни пайтда бу чора-тадбирларнинг энг маъқул механизмини белгилаб, солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолларига йўл қўймайди. Шунингдек, табиий, моддий-техник ресурслардан оқилона фойдаланишни рағбатлантириш учун бюджетнинг умумий даромадларини самарали ишлатишга бўлган эътиборни ҳар қачонгидан кучайтириш вазифалари лойиҳада муфассал ифодасини топди.

Эътиборга молик жиҳатлардан яна бири — лойиҳада бюджет маблағларининг ижтимоий йўналиши доирасини янада кенгайтириш ва янада кучайтиришга бўлган талаб, десак янглишмаган бўламиз. Масалан, 2002 йил бюджетида ижтимоий соҳа ва аҳолининг ижтимоий улуши умумий харажатларнинг 47,2 фоизини ташкил этган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 52 фоизгача оширилиши кўзда тутилди.

Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар қурилишини тезлаштириш, уй-жой хўжалиги инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ аҳлини ичимлик суви ва газ билан таъминлашни молиялаш режалари ҳам бюджетда белгиланган муҳим вазифалар сирасига киради. Зеро, айни шу вазифаларнинг ижроси — мамлакатимизда бозор механизмларини жорий этишдан олдин аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари изчил амалга оширилаётганидан, бошқача айтганда, давлатимиз ўз аҳолисини тобора кучли ижтимоий ҳимоя қилаётганидан далолатдир.

Мустақилликда ўтган ўн бир йилнинг ҳар бири учун белгиланган давлат бюджетларидаги каби бу гал ҳам шаксиз, даромадлар харажатлардан оширилган ҳолда ижро этилади. Бундай дейишимизнинг сабаби, Юртбошимизнинг олдинги йиллар давлат бюджети ижроларига берган («Ўзбекистонда иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишлари», 1993 йил) таърифи билан боғлиқ: **«Пухта ўйланган бюджет ва пул-кредит сиёсати, халқ хўжалигини тартибга солиш воситаларининг давлат қўлида сақланиб қолиши ташқи салбий жараёнларнинг иқтисодиётга таъсирини камайтириш имконини берди. Иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг дастлабки белгилари пайдо бўлди».**

Мухтасар қилиб айтганда, 2003 йил давлат бюджети ҳам мазмун-матлаби билан инсон манфаати ҳимоясига қаратилган. Лойиҳа қанчалик пухта бўлса, мамлакатимиз тараққиёти шунчалик юксалади, халқимиз фаровонлиги ошади.

■ **Номоз САЪДУЛЛАЕВ**

ВАТАННИ ҚУЙЛАШ БАХТИ

Ватанимиз мустақиллигининг 11 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқ байрами танлови якунланди

Пойтахтимиздаги «Халқлар дўстлиги» саройида мазкур танлов ғолибларини тақдирлашга бағишланган тантанали маросим ва гала-концерт бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ва еттинчи марта ўтказилаётган мазкур танлов келажаги буюк давлатимиз ва унинг бунёдкор халқини мадҳ этувчи, инсонлар қалбида муқаддас Ватанни, истиқлолни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ундовчи юксак бадиий савиядаги мусиқа асарлари ва қўшиқларнинг юзага келишига кенг имконият яратганини таъкидлади. Негаки, бутун мамлакатнинг бекиёс саҳнаси бўлиб хизмат қилаётган бу байрам, нафақат янги асарларни, балки қўшиқчилик санъатида ўз мухлисларининг меҳр-муҳаббатини қозона олаётган умидли истеъдодларни кашф этмоқда.

Байрамда профессионал хонандалар билан бир қаторда, ёши ва касбу коридан қатъий назар, она-диёримизни мадҳ этиш истагида бўлган кўплаб истеъдодлар, мактаб ўқувчилари, талабалар, ҳарбийлар иштирок этди. Бу галги танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар вакиллари билан бирга Маданият ишлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси жамоалари ҳам фаол қатнашди.

Бу йилги танловга тақдим этилган Ватанни улуғловчи мусиқа асарлари ўзининг жўшқинлиги, миллийлиги, кўтаринки руҳи, жозибадорлиги билан кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Ранг-баранг рақслар эса уларга ўзгача файз бахш этди.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг бадиий мусиқа жамоаси А.Назаров мусиқаси ва А.Обиджон шеъри билан айтилувчи «Юртга биздек авлод керак» қўшиғи биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

■ **Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири**

ТЕЖАЛГАНИ — НАҚД ФОЙДА

Оёқ остида ётган бир ҳовуч пахтанинг қиммати қанча? Парча-парча қоғозники-чи? Бозор шароитида ҳар нарсанинг ўз қиймати бор. Тежалгани ўзингники, дейдилар ахир.

«Шаҳрисабзконсерва» ҳиссадорлик жамиятида маҳсулот тури ва ҳажмини кўпайтириш баробарида, ишлаб чиқаришда асқотадиган ашё — ўрама материалларни тежашга ҳам катта эътибор берилмоқда. Масалан, шарбатларни бир марта тозалаб сиқиб ўтказиш учун 3 тонна картон қоғоз ишлатилар, ифлослангач, ташлаб юборилар. Корхона технологлари уларни қайта ишлатиш усулини топишди. Бунинг учун фойдаланилган картон қоғози алоҳида идишлардаги сувда тозаланади. Қуритилгач, қайтадан прессланади. Лаборатория таҳлиллари бу усул юқори самара беришини кўрсатди. Натижада биргина шу усул туфайли ҳар йили камида 8 миллион сўм тежаб қолинади.

■ **Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

Суратда: пойтахтнинг Бош майдонида байрам тантаналарига тайёргарлик.

■ **Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат**

МАМЛАКАТИМИЗ ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ АРАФАСИДА

Кўчалар, хиёбонлар айёмона безанмоқда. Санъаткорлар энг катта очиқ саҳнада ўтказиладиган байрам тантаналарига пухта ҳозирланяпти. Уларнинг бир гуруҳи пойтахтимиздаги «Халқлар дўстлиги» саройида репетиция қилишяпти

Зебо ТУРСУНОВА, «Ўзбекракс» миллий ракс бирлашмаси Қашқадарё вилоят бўлими бош балетмейстери:

— Беш йилдирки, воҳамиз санъаткорларини энг улуғ, энг азиз байрам тантаналарига олиб келаман. Қашқадарёликлар ўзларининг ҳар бир чиқишларида миллий санъатимизни намойиш этишга ҳаракат қиладилар. Ҳар сафар янги дастур билан келишга интиламиз. Бу сафар Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигига бағишланган дастурни намойиш этмоқчимиз. Санъаткорларимиз 65 нафар бўлиб, ўз чиқишларида Ватанни мадҳ этишга интиладилар.

Зарафшон НУРИДДИНОВА, Қорақалпоғистоннинг «Айқулаш» дастаси раққосаси:

— Саҳнада қорақалпоқча оҳанглар таралганда ҳаяжонланиб кетаман. Қатор йиллардан бери шу саҳнада чиқишлар қилиб келаётган бўлсам ҳам, ҳар галгиси мен учун гўё имтиҳондек туюлаверади. Қилган меҳнатларим зое кетмаяпти. 2000 йилда «Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист» унвонига сазовор бўлдим. Бундай байрамларда иштирок этиш ҳар биримизни мустақилликнинг, тинчликнинг қадрига етишга ундайди.

Қадамбой АХМЕДОВ, Кўшкўпир тумани маданият бўлими мудири, хонанда:

— Мухлислар топаётганимдан бахтиёрман, 1991 йил ўтказилган «Камолот» кўрик-танловида совриндор бўлганман. Кейин «Юлдуз» ашула ва ракс дастасига раҳбарлик қилдим. Хиванинг 2500 йиллик тантаналарида жамоамиз билан Хоразм фольклори дурдоналарини намойиш этиб, кўпчиликнинг эътиборига тушдик. Шундан кейин дастамиз Туркия, Ҳиндистон сафарларида бўлди, жаҳон фестивалларида иштирок этди.

Бош байрам концертида биз каби ҳаваскорларга катта ўрин берилаётгани халқ ичидаги истеъдодларга эътибор, деб тушунаман. Бу сафар ҳам янги қўшиқ ва янги рақслар билан келганмиз. Хусусан, «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» достони асосида тайёрланган чиқишларимиз билан байрам иштирокчиларини хушнуд этишга ҳаракат қиламиз.

Санобар МАЖИДОВА, «Ўзбекракс» миллий ракс бирлашмаси Сурхондарё вилоят бўлими балетмейстери:

— Менинг санъатга кириб келишим истиқлол йиллари билан боғлиқ. 1991 йили Тошкент хореография билим юртига ўқишга кирганман. Вақт ўтиши билан маҳорат ва тажриба орттириб, беш йилдирки, ўзим ҳам ёшларга устозлик қилмоқдаман. Байрамда Сурхондарё халқ оғзаки намуналарини намойиш этамиз. Яқинда «Бойсун баҳори» очиқ фольклор фестивалида иштирок этиб, байрамга ҳозирликни пухталаб олдик. Ниятим — ҳамиша юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин дейман.

ҚЎШМА КОРХОНАЛАР – ҚЎШҚАНОТЛИ ҲАМКОРЛИК РАМЗИ

ЁХУД ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ҚИБРАЙ ВА ТОШКЕНТ ТУМАНЛАРИДА БАРПО ЭТИЛАЁТГАН ҚЎШМА КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИДАН БИТИКЛАР

Мамлакатимиз вилоятларининг ҳар бири ўзига хос қиёфа, файзу тароватга эга. Улар орасида Тошкент вилояти алоҳида ажралиб туриши, табиий. Зеро, вилоят номини тилга олишингиз билан кўз олдингизда Чотқол тоғлари, Чирчиқ, Угом, Писком дарёлари, Паркент, Пскент, Чиноз боғлари, Оҳангарон лалми ғаллазорлари, Бекобод, Ангрен, Чирчиқ, Тўйтепа сингари ўнлаб саноатлашган шаҳарлар, тикланган ва тикланаётган юзлаб қўшма корхоналар намоён бўлади. Ёки ривожланган коммуникация тармоқларини оласизми, шаклланган инфратузилмани оласизми, сув таъминоти ёки юксак малакали кадрларни оласизми — вилоят фаолиятидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.



Вилоят, айниқса, истиқлол йиллари мамлакатимизнинг саноати юқори даражада ривожланган минтақалардан бирига айланди. Бу ерда ҳозир республика саноат маҳсулотининг 11,5 фоизи, электр энергиясининг 45 фоизи, пўлат ва металл прокатнинг 100 фоизи, рангли металларнинг эса асосий қисми ишлаб чиқарилмоқда. Ўтган ўн бир йил ичида замонавий корхоналарнинг ишга туширилиши натижасида вилоятда четга маҳсулот экспорт қилувчи саноат корхоналари сони 56 тага етди. Экспорт ҳажми 3,6 баробар ошди. Хорижий сармоялар иштирокида фаолият кўрсатиб, йилига ўртача 13-15 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналар 120 тага яқинлашиб қолди.

Тўғриси, ҳозир мана шу рақамларни мамнуният билан қайд қилаяпмиз, бундан роппа-роса ўн йил муқаддам, мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганига эндигина бир йил бўлаёзган — 1992 йилни эсладик. Ўшанда Президентимиз Ислом Каримов XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида (2-3 июль) сўзлаган нутқида ёниб гапирганди: **«Агарки, хўжаликларга иқтисодий эркинлик берсак, билиб қўйинглар, бу йил, жуда кўп бўлса, икки йилда гуллаб-яшнайди, бизнинг Ватанимиз!».**

Эсингизда бўлса, бу сўзлар сессия минбаридан жаранглаганда залда қатор ҳокимлар ҳам ўтирганди. Юртбошимиз сўзини аввал уларга қаратиб айтди: **«Айбга қўшмайсизлар, мана шу залда ўтирган баъзи бир ҳокимларга қарата айтмоқчиман: бизларнинг келажагимиз шундаки, ишлаб чиқарувчи корхоналар, халққа хизмат қилувчи хўжаликлар, бизларни боқадиган, маҳсулот чиқарадиган хўжаликлар эркинлик олиши керак...»**

Кўп ўтмай кетидан яна қуюниб қўшиб қўйдилар: **«...Яна такрор айтаман: одамларга, хўжаликларга иқтисодий эркинлик бериш керак..**

Бозор муносабатларига ўтиш — кўр-кўрона мақсад эмас, балки иқтисодни ўнглаш, жамиятни янгилаш йўли...»

Вилоят халқ хўжалигининг бугунги ўсиш, улғайиш ва юксалиш одимлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, **ўнглаш** ва **жамиятни янгилаш йўли** унинг бутун меҳнат аҳлига мустақилликнинг илк кезлариданоқ муҳим дастуриламал бўлди.

Узоққа борманг: пойтахт билан бақамти Қибрай, Тошкент, Зангиота, Янгийўл туманларини олинг. Мамлакатимиз пойтахти Тошкент ва вилоятнинг йирик шаҳарлари аҳолисини қишин-ёзин сара мева ва сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашга йўналтирилган мазкур ҳудудларда нафақат уларни хомашё сифатида етиштириш, балки қайта ишлаш, замонавий талаблар даражасида қадоқлаш, харидорларга, хусусан, уларни хориж истеъмолчиларига таклиф қилиш борасида катта ишларга қўл урилди. 2005 йилгача белгиланган махсус дастур асосида собиқ марказ манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қурилган айрим корхоналарни қайта таъмирлаш, хорижий сармоядорлар ва шериклар топиб, уларни барча йўллар билан ҳамкорликка жалб қилиш, ўзаро манфаатли алоқа боғлаш, пировардида, жойларда кўплаб қўшма корхоналар бунёд этиш йўллари изланди.

(Давоми 2-бетда)

ДИҚҚАТ, ЯНГИ РУКН

ТОШКЕНТ: КЕЧА ВА БУГУН

(Сурат республика Киносурат ва овозли ҳужжатлар Марказий Давлат архивидан олинди).

Ватан остонадан бошланади.

Энг яхши ғоялар, ташаббуслар эса пойтахтдан бошланади. Пойтахт ҳар доим фаоллиги, бедорлиги, бағрикенглиги, тартиб-интизоми билан намуна бўлиб келган.

Пойтахт бутун мамлакатга, ҳар биримизга дахлдор. Пойтахт кўрки, жамоли ютуқларидан ҳар биримиз бирдек фахрланамиз, ғурурланамиз. Тошкент — ватаним пойтахти, деб ифтихор қиламиз.

Тошкентнинг тарихи узун... бошидан ўтказган, оғир-енгил кунлар, синовларнинг ҳисоби йўқ. Тошкентнинг меҳмондўстлиги, жасорати, матонати ҳақида кўп асарлар битилган. Аммо, мустақиллик йиллари пойтахтимизда рўй берган ўзгаришларни сарҳисоб қилсак, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, сўнгги ўн бир йилда асрларга таътигулик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Бири-биридан гўзал, муҳташам бинолар, кенг, равон йўллар, мустаҳкам, салобатли кўприклар...

Энди ўзимизга бир саволни бериб кўрайлик. Яқин ўтмишда, шўро империяси даврида бундай биноларни неча йилда қуриш мумкин эди? Ким рухсат берарди бундай биноларни қуришга? Ким маблағ берарди? Оддийгина бир иморатни қуриш учун Москвадаги амалдорлар ҳузурига неча бор бош эгиб боришга тўғри келар эди, қатнайвериб асаблар эмириларди, мутеликдан юрак-бағринг эзиларди. Ўшанда ҳам розилик олиш амри-маҳол эди.

Бугунги Тошкент жамолида халқимизнинг қадимий шаҳарсозлик, меъморсозлик тажрибалари билан ғарб-у шарқ тажрибалари уйғунлашиб кетганлигини кўрамиз. Лекин ўзига хослик миллийлик яққол кўзга ташланиб турибди.

Бугуннинг қадрига етиш учун кеча нима бўлганлигини билмоқ керак. Бугунги бинолар гўзаллиги, салоҳияти, юксаклигига баҳо бермоқ учун кеча унинг ўрнида нима бўлганлигини билиш ва қиёслаш лозим, деб ўйлаймиз.

Пойтахтимиз Тошкентнинг кеча ва бугуни ҳақида суратлар орқали ҳикоя қилишга қарор қилдик. Суратлар гапирсин, сиз тингланг, ўйланг ва хулоса чиқаринг...

✧✧✧

Суратларда: собиқ Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри (чапда) ўрнида қад ростлаган Ўзбек Миллий академик драма театри (ўнгда).



■ **Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

ҚЎШМА КОРХОНАЛАР – ҚЎШҚАНОТЛИ ҲАМКОРЛИК РАМЗИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шундай бўлди ҳам. Биргина **Қибрай туманида** кўп ўтмай Исроил, Туркия, Германия, Жанубий Корея, Руминия, Россия каби ўнлаб давлатларнинг ишбилармон доиралари пайдо бўлди... Ҳамкорлик бошланди, сармоялар кела бошлади. Янги-янги қўшма корхоналар тикланишига киришилди: «Роҳат», «Янги Тошкент консерва» очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари... «Макс — Хуросон ЛТД», «Тибтехника», «Кетгут — Силк», «Сильвер Глобе», «Ультима», «Хеди — Арк», «Нур — Арт», «Ойна — пласт», «Боу КО ЛТД», «Тошпластэластик», «Афсар», «Пет»...

Бугунги кунда «Медиз» қўшма корхонаси ишлаб чиқараётган тиббий техника, дори-дармонлар ва бир марта ишлатиладиган шприцлар хорижликлар эътиборига тушди. Жанубий Корея билан ҳамкорликда барпо этилган «Боу Ко ЛТД» қўшма корхонаси сабзавотларни қадоқлаш учун турли полимер қоплар, боғлагичлар, тасмалар, иплар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

— Ўтган йилда 7 миллион 600 минг дона полимер қоплар ишлаб чиқардик, — дейди қўшма корхона менеджери Рустам Тошхўжаев. — Уларнинг муайян қисмини ҳамдўстлик мамлакатларига экспорт қилиб, анчагина валюта ишладик. Жорий йилда эса 2 миллион 300 минг дона шундай қоплар экспортга мўлжалланган. Чет эл технологияси асосида маҳаллий хомашё — терак ёғочидан дунё андозалари даражасида енгил, ихчам қадоқ идишлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Акмал Лазиз ўғли» корхонаси маҳсулотлари эл оғзига тушганига роппароса 11 йил бўлди. «Силвер — Глобе» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси жамоаси тайёрлаётган нафис ошхона мебеллари ва эшикларни айтмайсизми? Арғин қишлоғи ҳудудида жойлашган «Ультима» ва «Хеди — АРК» қўшма корхоналари ишлаб чиқараётган ошхона «тўплам»лари ва қурилиш анжомларига буюртмачилар тобора кўпайиб бормоқда. «Нур-Арт» қўшма корхонаси маҳсулоти — 90-95 даражали иссиқликка дош бераоладиган пластмасса қувурлар ва «Ойна — пласт» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасининг (алюмин профилли) эшик ромларининг бозори ҳар қачонгидан чаққон. АҚШнинг «Пай Холдинг» компанияси муассислигида барпо қилинган «Добро Ташкента» корхонасида эса кунгабоқар мойи ва қадоқланган майиз ишлаб чиқариш ҳозир айни авжида.

Қибрай тумани боғ-роғларида

Туман ҳокими Саидхўжа ТОШХЎЖАЕВ сўзидан: — Туманимизда ҳозир саноат маҳсулоти ҳажмининг 34 фоизга яқини қўшма корхоналар ҳисобига тўғри келмоқда. Чет эл сармояси иштирокидаги қўшма корхоналарнинг ўтган 2001 йилдаги ташқи савдо айланмаси 10091,6 минг АҚШ долларини ташкил этди. 2001 йилда 12 миллиард 195 миллион 891 минг сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 110 фоизга ортди. Бу кўрсаткич бурноғи йилдагига нисбатан 1 миллиард 175 миллион сўмга кўп.

Туманда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида ҳам талай ишлар амалга оширилмоқда. Биргина жорий йилнинг апрель ойида кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчи 944 корхона рўйхатдан ўтди. Ҳозир уларнинг 818 таси фаолият кўрсатиб, ташқи иқтисодий алоқалар бўйича улушлари 93 фоизни ташкил этмоқда.

— **Саидхўжа ака,** — сўзини бўлдик унинг, — **бир савол, дунё сармоядорларининг юртимиз билан ҳамкорлиги тобора кенгайиб бораётганининг сабаби нимада деб ўйлайсиз?**

— Президентимиз, адашмасам, ҳали 1992 йилда эди, испаниялик бир нуфузли меҳмон билан учрашганда, у шундай деган эди: **«Бизни Ўзбекистон билан ҳамкорликка жалб этадиган сабаблар учта.**

«Медиз» қўшма корхонасидан лавҳалар

Биринчи сабаб — Ўзбекистоннинг ички тартиби ва осойишталиги. Иккинчи сабаб — сиёсатнинг барқарорлиги ва собитлиги. Учинчи сабаб — Ўзбекистоннинг жиддий ва укувли раҳбарияти». Бу хил эътирофларни бошқа давлатлардан келган сиёсатчи ва ишбилармонлар ҳам неча бор такрорлашди.

Вилоятнинг **Тошкент тумани** ҳам асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. 133 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган ҳудуд илгари боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва картошкачиликка мослашганди. Эндиликда бу ерда етиштирилган ҳосилни шу ернинг ўзида қайта ишлаш корхоналари ҳам ривож топди.

— Ўтган йилда хўжалигимиз деҳқонлари шаҳарликлар дастурхонига 4700 тонна сабзавот маҳсулотлари тортиқ қилиб, 99 миллион сўм даромад кўрдик, — дейди туманнинг «Тошкент» ширкат хўжалиги раиси Маҳаммаджон Усмонов. — Масалан, Жанубий Кореянинг «SKY Co» қўшма корхонаси билан ҳамкорликда 25 гектар майдонга аччиқ гармдорининг серҳосил навларини экиб, 465 тоннадан зиёд ҳосил олдик. Олинган маҳсулотнинг 47 тоннаси қайта ишланиб, қадоқланиб, Хитой Халқ Республикасига экспорт қилинди. 41 миллион сўмдан зиёд даромад олдик. Шунингдек, 4000 тонна помидорни консерва цехимизда 25-30 фоизли томат пастасига айлантириб, турли хил шарбатлар ишлаб чиқаришни ҳам ўзлаштирдик. Юсуф Қўчқоров раҳбар бўлган мазкур корхона 2001 йил ҳосилидан тайёрланган томат пастасидан 50 тоннасини Афғонистонга, 80 тоннасини Россияга жўнатди. Ширкатимиз аъзолари бу йил 400 миллион сўмлик даромадни кўзлашган.

Келес. «Сиёвуш» хусусий фирмаси

Туман ҳокими Бахтиёр АЛИМОВ ҳикояси: — Мустақилликдан сўнг халқ хўжалигининг деярли барча тармоқлари маҳсулотлари хорижга экспорт қилинмоқда. Туманимизда хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида ташқи фаолият билан шуғулланувчи 25 та қўшма корхона рўйхатдан ўтган. Ҳозир уларнинг 18 таси фаолият кўрсатмоқда. Иқтисодий раҳбарларига бир кўз ташланг:

— Жорий йилнинг ярим йиллигида, — давом этди ҳоким, — туманда экспорт фаолияти билан 13 та корхона шуғулланди. Ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 157,8 фоизга етди. Ҳудуддаги 73 хил халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган саноат корхоналарида 2500 дан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Ўтган йили ялпи маҳсулот 3 миллиард 167 минг сўмликдан зиёд бўлди. «Жунни қайта ишлаш» акциядорлик жамияти, «Ҳаёт-файз» ғишт корхонаси, «Болгаршароб», «Астрофарм», «Меҳнат», Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлигида барпо этилган «Ганжбайжан» қўшма корхоналари ўз маҳсулотларини жаҳон бозори талаблари даражасида ишлаб чиқаришга ва янги хорижий технологияларни жорий этишга катта куч-ғайрат сарфламоқдалар.

...Гоҳида Истиқлол туфайли мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларида қад кўтарган ва кўтараётган минглаб қўшма корхоналар ҳақида ўйласам, бир журналистнинг ўтган йили уларга берган таърифи эсимга тушаверади: «Қўшма корхона — қўш қанотли ҳамкор». Дарвоқе, Ўзбекистон ва хорижлик ҳамкорлар нақ қўш қанотнинг ўзгинаси.

Буни бугун биз наинки, пойтахт вилоятининг икки тумани тасвирида, балки, вилоят ва бутун мамлакатимиз мисолида ҳам ёркин кўриб турибмиз. Лекин, наилож, ҳозир уларнинг ҳаммаси ҳақида ёзиб ўтиришга ожизмиз. Бунинг устига газетада байрамолди мавзулари билан жой тангроқ... Ҳолбуки, Юртбошимиз 1999 йил 29 декабрда вилоят сайловчилари вакиллари билан учрашувда сўзлаган нутқида айтганларидек: **«Истиқлол йилларида Тошкент вилоятида иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида қилинган ишлар, тўпланган тажриба ҳақида кўп гапиришимиз мумкин...»**

■ **Соҳибжон САЛИМОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

***минг АҚШ долларида**

	2001 й.	2002 йилнинг I ярми
Ташқи иқтисодий савдо Шундан:	**8785,3**	**7073**
Экспорт	**1453,8**	**1159,6**
Импорт	**7331,5**	**5913,4**

ИҚТИСОДИЁТ ВА ИСЛОҲОТ

БОШ МАҚСАД – ИЧКИ БОЗОРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Яқинда Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги 154-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти органлари томонидан тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. Департаментнинг бошқарма бошлиғи ўринбосари Исоқ ЖАМОЛОВ билан ана шу ҳақда суҳбатлашдик.

— Исоқ Зайниевич, аввало мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва мақсади тўғрисида тўхталсангиз.

— Маълумки, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ҳар бир давлатда ҳам турли иқтисодий қийинчиликлар ва муаммолар вужудга келади. Бунинг эса турли сабаблари бор, албатта. Булардан бири давлатнинг жуғрофий жойлашув ўрни ва иқтисодий имкониятлари билан боғлиқ бўлса, иккинчиси, давлатнинг айрим фуқаролари ноқонуний ҳаракатлари билан боғлиқ. Мана шундай ҳолатларда давлат томонидан иқтисодиётни ривожлантириш ёки айрим фуқаро ва гуруҳларнинг ғайриқонуний ҳаракатларини тартибга солиш мақсадида тегишли қарорлар қабул қилишни ҳаётнинг ўзи тақозо этади. Мамлакатимизда ҳам мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ иқтисоднинг сиёсатдан устунлиги ва ўтиш жараёнида давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги белгилаб олинди.

Республика ҳукуматининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори ҳам иқтисодиётни ривожлантириш ва олиб кирилаётган товарларни тартибга солиш ҳамда ички бозорни ҳимоя қилишга қаратилган муҳим қадамлардан бири. Ушбу қарорнинг асосий мақсади — республика ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш, юкларнинг божхонада расмийлаштириш тартибини соддалаштириш ва ўзимизнинг ишлаб чиқарувчиларни ёки бир сўз билан айтганда, ички бозорни ҳимоя қилишдир.

— Товарлар олиб келинишини тартибга солиш ва божхонада расмийлаштиришнинг соддалашганлигини нималарда кўришимиз мумкин?

— Бу энг аввало, товарларни мамлакатимизга қонуний олиб кирилишини ва олиб кирувчилар орасидаги ҳақиқий рақобат вужудга келишини таъминлашдир. Чунки бир тадбиркор товарни қонуний олиб кириб, тегишли бож ва солиқларни тўласа-ю, иккинчиси уни тўламаса, шубҳасиз, қонуний ҳаракат қилган тадбиркор товарининг баҳоси юқори ва рақобатсиз бўлиб қолади. Мазкур қарорга қадар республика чегараларидан турли хил ғайриқонуний йўллар билан олиб келинган товарлар бозорларда жисмоний шахслар томонидан тегишли ҳужжатларсиз эркин сотилар эди. Сотувчилардан товарнинг расман олиб келинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар талаб қилинмаганлиги учун ғайриқонуний олиб кирган шахсларни аниқлаш имкони йўқ эди. Мазкур қарор билан ушбу ҳолатлар тартибга солинди. Бундан ташқари, илгари жисмоний шахслар томонидан олиб кирилган товарлардан 1000 АҚШ доллари миқдори чегирилиб, қолган қисмидан бож, расмийлаштириш ҳақи ва солиқлар ундириларди. Мана шу имтиёз сохта тадбиркорлар учун жуда қўл келарди. Олиб келинган катта миқдордаги товарлар чегараларда бир неча фуқаролар номига расмийлаштирилиб, зарур тўловлар тўланмасди. Бир мисол. Фарғоналик хусусий тадбиркор Х.Тошматов 15,5 тонна унни бошқа фуқаролар номига расмийлаштириш йўли билан ҳеч қандай божхона тўловларини тўламасдан республикамизга олиб кирган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Мазкур қарор бўйича олиб келинган товарларни божхонада расмийлаштириш жараёнида ҳам қулайлик яратилди. Илгари четдан келтирилаётган товарлар учун божхона божи, мажбурий йиғим, қўшимча қиймат солиғи ва божхона ҳақи (расмийлаштирилаётганда) алоҳида-алоҳида тўланиши лозим эди. Энди мазкур қарорга мувофиқ, фақат битта ягона божхона тўлови тўланади, холос.

— Айтингчи, мана шу ягона божхона тўлови энди республика ҳудудига жисмоний шахслар томонидан олиб келинадиган товарлар баҳосининг ошишига олиб келмайдими?

— Йўқ, аксинча мазкур қарор билан белгиланган ягона божхона тўловининг миқдори илгари белгиланган тўловларга тенг, кўпгина ҳолларда бирмунча паст ҳам. «Импорт товарлар баҳоси энди ошиб кетади» деган миш-мишлар асоссиз. Бу айрим фуқароларнинг мазкур қарор моҳиятини тушунмаганликлари ёки баъзи шахслар томонидан товар баҳоларини сунъий равишда ошириш учун қилаётган ҳаракатларидан бошқа нарса эмас. Яхшиси, аниқроқ бўлиши учун импорт товарларнинг илгариги ва ҳозирги тўловларини таққослаб кўрайлик.

Илгари республикага телевизор олиб кирган жисмоний шахс 30% божхона божи, 50% божхона йиғими, 20% қўшимча қиймат солиғи жами 100% тўловлар тўлаган бўлса, энди 90% ягона божхона тўлови тўлайди. Ёки илгари мебель олиб кириш учун 30% божхона божи, 50% божхона йиғими, 20% қўшимча қиймат солиғи, жами 100% тўловлар ва акциз солиғи тўлаган бўлса, энди 90% ягона божхона тўлови ва акциз солиғи тўлайди.

Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, мазкур қарор республика ҳудудига товарларни қонуний йўллар билан олиб кирувчи жисмоний шахслар ва республика ҳудудидаги ишлаб чиқарувчилар манфаатини қўллаб-қувватлайди. Шу билан бирга ноқонуний йўллар билан товарлар олиб кирувчи, бозорларда ҳақиқий рақобатни бузувчи сохта тадбиркорлар фаолиятига барҳам беради.

■ **Суҳбатдош:**
Азамат ЭРГАШЕВ,
Равшан ШОДИЕВ

ҲУНАРМАНДНИНГ ҲАЁТ МАЗМУНИ

Самарқандлик Ҳамроқул Ҳайдаров эл назарига тушган ҳунармандлардан. Миллий мусиқа асбоблари ясаш мактабини ташкил этган бу қўли гул инсон қадимий миллий анъаналаримизни давом эттириш ва уни ёшларга ўргатишни ўз ҳаётининг мазмуни деб билади. Саккиз йилдирки, ушбу санъат мактаби ҳунар ўрганишга қизиққан ёшларнинг севимли даргоҳига айланган. Ҳунармандлар ясаётган бетакрор шарқона нақшлар уйғунлигидаги танбур, дутор, рубоб, уд, ғижжак каби мусиқа асбоблари бир неча бор танловларда юқори баҳо олди. Самарқандда ўтган вилоят «Ташаббус-2001» танловида уста Ҳамроқул Ҳайдаров энг яхши ҳунарманд номинацияси бўйича иккинчи ўринга сазовор бўлган.

— Созларни маҳаллий хомашё — тут, жийда, ёнғоқ, ўрик, чинор, қайрағоч сингари дарахтлардан ясаймиз,— дейди уста Ҳамроқул Ҳайдаров.— Бу эса энг қийин ва сирли жараёндир. Хомашёга дарров ишлов берилмайди. У икки-уч йил нам жойда сақланиб, сўнг авайлаб қуритилади. Масалан, танбур ясаш учун камида икки йил вақт кетади. Танбур косаси йўнилгандан сўнг меъёрида қуритилса, у тезда ёрилмайди, товуши жарангдор бўлади. Мактабимиз ҳунармандлари мусиқа асбобларининг ўн етти турини ясай олади.



Уста мамлакатимиз мустақиллигининг ўн бир йиллигига тўёна сифатида санъат мактабининг янги биносини ишга туширишни режалаштирган. Ҳозир бу ерда сўнгги пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Бино ишга тушгач, бунда зардўзлик, попончилик, тикувчилик цехлари ва кўргазма зали ҳам фаолият кўрсата бошлайди.

■ **Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,**
ЎзА мухбири

✧✧✧

Суратларда: 1. (Юқорида ўнгдан) уста Ҳамроқул Ҳайдаров шогирдлари — ўғли Бобомурод Ҳайдаров ва Бобур Шарипов билан. 2. Ёш уста Дилмурод Ҳайдаров. 3. Уста Дилшод Аминов.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

ФИЛИАЛ ИШ БОШЛАДИ

Бухоро вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси биносида «Ортопедия» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси филиали иш бошлади.

Энди вилоятда истиқомат қилувчи ногиронларнинг оғири енгил бўлди. Чунки уларнинг Тошкентга бориб келиши қийин кечарди. Корхонада махсус ишлаб чиқарилаётган протезлар уларнинг оғирини енгил қилмоқда. Шу кунгача йигирма нафар ногирон ўзи учун зарур бўлган протез эгаси бўлди.

■ **«Туркистон-пресс»**

ЖАҲОН САММИТИ ОЛДИДАН

Аввал хабар берганимиздек, жорий йилнинг август-сентябрь ойларида Жанубий Африка Республикасининг Йоханнесбург шаҳрида «Рио+10» Бутунжаҳон саммити бўлиб ўтади. Саммитда асосан атроф-муҳит ва барқарор ривожланиш бўйича ЮНСЕД ҳужжатлари, шу жумладан, «XXI аср кун тартиби»даги амалиётининг якунлари ҳам кўриб чиқилади.

Мазкур фундаментал ҳужжатларда атроф-муҳит ва ривожланиш муаммоларини ҳал этишда нодавлат ташкилотлари асосий ҳамкор, деб тан олинган.

«ЭКОСАН» халқаро жамғармаси, республика Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Грециянинг Салоники шаҳрида Жаҳон саммитига тайёргарлик доирасида барқарор ривожланишни бошқариш имкониятларини мустаҳкамлаш масалалари бўйича ўтказилган минтақавий семинар натижаларига бағишлаб ва Йоханнесбургда ўтадиган «Рио+10» Жаҳон саммити олдидан «Нодавлат ташкилотлари ва барқарор ривожланиш йўлидаги ҳамкорлик» мавзуида конференция ўтказди.

Конференцияда давлат ва нодавлат ташкилотлари, халқаро ташкилотлар, ОАВ вакиллари иштирок этиб барқарор тараққиётни таъминлашда нодавлат жамоат ташкилотларнинг роли, давлат ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги ҳамда бу борада эришилган ютуқ ва камчиликлар таҳлил этилди. Унда таъкидланганидек, мустақилликка эришгач, мамлакатимизда 2300 та нодавлат жамоат ташкилотлари, шу жумладан, 70 та маданият маркази, 20 та жамғарма ва хайрия ташкилотлари ҳамда 40 дан зиёд хотин-қизлар масаласи билан шуғулланувчи ташкилотлар тузилди.

Нодавлат ташкилотлари сектори ривожи, уларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда, атроф-муҳит муаммоларини бартараф этиш жараёнидаги иштирокини янада кўчайтириш таклифлари ҳам конференцияда илгари сурилди.

■ **(Ўз мухбиримиз)**

«АСАКА»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Ватанимиз Мустақиллигининг ўн бир йиллик тўйи муносабати билан Ўзбекистон халқини чин юракдан муборакбод этади. Азизу мукаррам байрамимиз арафасида шуни таъкидламоқчимизки, Истиқлол йилларида юртимизда қилинган ишлар, бўлаётган ўзгаришлар, янгиликлар, маънавий ва маърифий ўзлик, умуман тафаккур уфқининг салмоқлари аср мезонларига татигуликдир. Озодликнинг ҳур шабадаси эсиб турганлиги боис биз беқиёс ютуқларга эришдик.

Хусусан, бизнинг аҳил жамоамиз тинч, осойишта бунёдкорлик фаолиятини амалга оширмоқда. Эл-юрт дастурхонига кўплаб сифатли, экологик жиҳатдан тоза маҳсулотлар етказиб бераяпмиз. Шуниси қувончлики, корхонамизда ўсимлик ёғини полиэтилен идишларга қадоқлаб чиқариш давом этаяпти. Бу маҳсулотларимиз барчага манзур бўляпти.

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Кўнгилларни эзгулик, шодлик, шукроналик ва умид тарк этмасин. Қилаётган меҳнатимиз, эзгу саъй-ҳаракатларимиз юртимизга, оилаларимизга қут-барака олиб киравер син. Юртда тинчлик, хонадонларда тотувлик, кўнгилларда осойишталик, келажакка умид доимо ҳукм сураверсин!

МУЛОҲАЗА

АРАН-АРОН-ОРОЛ...

ҚАЙ БИРИ ДЕНГИЗНИНГ АСЛ НОМИ?

Миллий мафкура асосларини яратиш миллий онг, миллий қадриятларимизнинг келиб чиқиш, ривожланиш, шаклланиш жараёнларини ўрганиш ва изланишни тақозо этади. Хусусан, маънавиятимиз сирасига кирувчи географик, этнографик атамаларнинг аҳамияти катта. Орол денгизи ва Орол ҳудуди билан боғлиқ атамаларнинг юзага келиши ҳақида мулоҳаза юритишимиз боиси ҳам шундан.

Орол дунёдаги энг йирик денгиз-кўл эди. Сув сатҳининг катталиги жиҳатидан Каспий (Ҳазар), Виктория ва Улуғ кўлдан кейин тўртинчи ҳисобланган. Айниқса, мазали балиқларининг кўплиги билан алоҳида ажралиб турарди. Бу денгиздан йилига 40 минг тоннага яқин балиқ овланар эди.

Орол денгизи бир замонлар Хоразмшоҳлар, Олтин Ўрда, Темурийлар, Шайбонийлар империяларининг қарамоғида бўлган. Европа билан Хитойни боғловчи Буюк ипак йўли Орол атрофларидан ўтган. Карвонлар учун қулай ғарбий соҳиллар бўйлаб қанчадан-қанча савдогарлар туяларининг қўнғироқларини жаранглатиб ўтмаган дейсиз. Демак, «Орол денгизи» ва «оролли» атамалари асосан кейинги кирилл ёзувида битилган манбаларда учрайди. Бу ҳолат кишини ўйлантиради.

Қизиғи шундаки, барча энциклопедиялар, қўлланма, дарсликларда «Орол денгизи» атамаси ўзига хос таърифланган. Орол — барча тарафдан сув билан ўралган қуруқлик, дейилган. Демак, «оролли» атамаси эса оролда яшовчи ёки Орол денгизи атрофларидаги аҳолини билдирган.

Илк бор академик С. Камолов 1993 йили эълон қилган «Қорақалпоқлар ҳақида сўз» мақоласида «Орол (аран)» деб ёзиб, бу атамаларнинг синоним эканлигини башорат қилган эди. Араб ёзувида битилган эски туркий достонлар қўлёзмаларини ўрганиш эса бу фикрнинг тўғрилигини тасдиқловчи ҳужжат бўлди.

Хўш, «арон» нима? Бу — унутилиб бораётган атамалар сирасига киради. У Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғатит турк» китобида молхона, молқўра (қўтон) маъносида келтирилган. В. Радловнинг 1893 йили чоп этилган «Туркий лаҳжалар луғати тажрибаси» китобида ҳам қадимий турклар тилида «аран — молқўра» деб кўрсатилган. Ҳозир ҳам Жанубий Қорақалпоғистон, Хоразм, Тошҳовуз вилоятлари аҳолиси катта молхона, молқўраларни «арон» (орон) деб атайдилар.

«Арон» атамаси қозоқ, қирғиз, бошқирд, олтой, ёқут, туркман, қорачой каби халқлар тилида ҳам бор. Масалан, қозоқлар атрофи қамиш билан ўралган, ёввойи ҳайвонларни овлашга мўлжалланган тузоқларни «аран» деб атайдилар. Қадимий туркийлар — олтой тилида уй-ерни «арон» деб юритишган.

Эҳтимол, ота-боболаримиз хандақ, чуқурларни ҳозирги олтойликлар каби «арон» деб аташгандир. Қулай жойлар атрофига қамиш ва бошқа ўтларни босиб, арон ясаб кийик, қулонларни ов қилишган бўлса, ажабмас.

Эрамизнинг III-IV асрларига келиб, кишилар худди Устюрт чўлидаги каби, катта молқўра, яъни аронлар қуриб, ёввойи ҳайвонларни овлаганлар. Уларнинг ҳозирги молқўра (қўтонлар)дан фарқи — бир ёки бир неча ерида қамиш билан ниқобланган хандақ (чоҳ)лари бўлиб, унга тушган ҳайвон чиқа олмай, ўлжага айланган. Шунингдек, майда ҳайвонларни овлаш учун хандақ тузоқлар қурилган. Умуман, арончилик касби кенг тарқалиб, «аронши кенегес» деб улуғланган.

Чорвачилик ривожланган кезларда ҳам уй ҳайвонлари учун махсус молхона, молқўралар қуриб, эски удумга биноан арон, деб аталган. Шуни таъкидлаш керакки, ҳозир ҳам Қизилқумдаги қўй қўралар учун баланд қум барханлар ораси танланади.

Хўш, «арон» деб аталмиш хандақларнинг, ов-тузоқларнинг, мол қўраларининг «Орол денгизи» атамасига қандай алоқаси бор? VII асрда юртимизни араблар босиб олгач, аста-секин араб ёзувига ўтилди. Бильакс, минг йиллик тариху адабиётимиз ва бошқа маънавий дурдоналаримиз ўша ёзувда битилган.

Араб ёзуви хусусиятларида эса ҳарфларнинг айримлари ҳамиша ўз номи билан ўқилавермайди. Масалан, **н** (нуни сокин)дан кейин **б** (бе) ҳарфи келса, **м** (мим) бўлиб ўқилади: **Истанбул, занбар, нонбор,** деб ёзилса-да, **Истамбул, замбар, номбор,** дея ўқилади. Агарда **н** (нуни сокин)дан кейин **я, р, л, м, в, н** ҳарфлари келса, худди шу ҳарфлар каби ўқилади. Масалан, **мин робиҳим, афаман йамши,** деб ёзилса-да, **мирробиҳим, афамай-йамши,** деб ўқилади. Мазкур қоидага биноан сўзда **н** (нуни сокин)дан кейин **л** (лом) ҳарфи келса, бу сўздаги нун **лом,** деб ўқилади. Шу сабабдан, «аронли» деб ёзилса-да, «аролли» бўлиб ўқилади.

Шундай қилиб, бу ерда «аронли» ва «аролли» атамалари бир маънодаги синоним сўзлар бўлиб, биринчиси ёзма, иккинчиси оғзаки шаклдир. «Авесто»да ёзилган ёки Афригидлар замонасидаги туркийлар «аронли» деб ёзган ва айтган бўлсалар, араблардан кейин «аронли» деб ёзишсада, «аролли» деб айтадиган бўлишган. Кейинчалик, айниқса, юртимизда кирилл ёзуви жорий қилингандан кейин «аронли» атамаси унутилиб, ёзма ва оғзаки нуткда «аролли» атамаси сақланиб қолди.

Шу боис, эски қўлёзма китобларда «аронли» деб ёзилса-да, бахшилардан ёзиб олинган достонларда «аролли» (оролли) деб ёзилган. Бунга Хоразмда тарқалган «Тулимбий» достони мисол бўлади. Уни атоқли адабиётшунос Н. Давқораев Эдага (Едиге, Идигей) достонининг Хоразм варианти, деб ёзган. Бу достоннинг араб ёзувида ёзилган қўлёзма вариантида «аронли» атамаси кўп учрайди. Лекин унинг бирон саҳифасида «аролли» сўзи йўқ.

Далил сифатида «Тулимбий» қўлёзма достонидан парча келтирамиз:

Йолғуз бошинг мунда келиб,
сан мунча жўшма аронли
Гофилликда отим олиб,
ҳаддингдан ошма аронли.
Оқлидур жаҳил юрти,
қиш озуғи қотқон қурти
Пўстинингни шағал йиртти,
ҳаддингдан ошма аронли.
Уйлари дарё бўйида,
бахши топилмас тўйинда,
Қиш бўлса уйли-ўйинда,
сиқмона султон аронли.
Қайиқ миниб сувда юрган,
барчаси балиқчи мерган,
Кеча-кундуз чабақ еган,
хўраги балиқ аронли.
Қамиш, якан дерлар ерин,
ери изғор бермас экин,
Хурагидур тари, чигин,
ҳаддингдан ошма аронли.
Оқдев айтур мани билгил,
савашни эмди кўргил,
Уруш қилсанг бери келгил,
ана мен бордим аронли.

Бу ғазал истеҳзо билан айтилган бўлсада, Қўнғиротнинг географик ўрни, дарё бўйидалиги, қўллар, якан, қамиш каби сувда ўсувчи ўсимликлар кўп экани, сувлари балиққа сероблиги, одамлари балиқчи, мерган бўлгани, қайиқ ҳайдаш устаси, балиқни кўп истеъмол қилишлари ифода этилган. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги экологик шароитда ҳам Қўнғиротда балиқ бозори бор.

«Аронли» ва «аролли» сўзлари каби «арон» ва «орол» атамалари ҳам бир-бирига синонимдир. «Арон» сўзининг луғавий маъноси, юқорида қайд қилинганидек, «хандақ» деган маънони билдиради. Орол денгизи туби ҳақиқатан ҳам улкан хандақ (котлован)ни эслатади. Олимларнинг фикрича, ернинг тектоник ҳаракатланиши асосида чўкиш юз берган. Орол чўкмасининг туби Устюрт чўлига қараганда 200-300 метр пастда жойлашган. Бундан ҳаммаси бўлиб 30-35 минг йил илгари Тўрғай, Сирдарёнинг суви Орол чўкмасига туша бошлаган. Улардан анча кейин Оролга Амударё қуйилган ва сермавж арон (орол) денгизи пайдо бўлган.

Академик Б. Аҳмедов билан С. Камоловларнинг маълумотларига қараганда, XII-XIV асрларда Орол денгизи ва Волга дарёси орасидаги ҳудудларда яшаган ўзбек, қорақалпоқ, қозоқларни ўзбек деган умумий ном билан атаганлар. Устюртдан пастда (уйда) яшаган аҳолини аронли ёки оронлилар (уйдагилар) деб атаганлар. Шу сабабдан, ҳозир Қўнғирот туманида яшовчи ўзбек аҳолиси ўзларини оролли ўзбеклар ёки ороллилар дейдилар.

Хулоса шуки, «арон» — Орол денгизининг қадимий номи. У юртимизни араблар босиб олгунча, «арон» деб ёзилган ва айтилган. Араб ёзувига ўтилганидан кейин, «арон» деб ёзилса-да, «орол» деб ўқилган. Кейинчалик «арон» атамаси аста-секин истеъмолдан чиқиб, «орол» шаклида ёзиладиган ва ўқиладиган бўлган. «Оролли» (аронли) атамаси бўлса оролда яшовчи ёки Орол денгизи атрофи ёки қирда яшовчи аҳолини эмас, балки Устюртдан пастда (уйда) яшовчиларни англатган. Ҳар қалай ота-боболаримиздан қолган қадриятларни ўрганиш фанимиз, маданиятимизнинг номаълум қирралари ойдинлашишига имкон беради, деган умиддамиз.

■ **Сапарбой ҚОБУЛОВ,**
биология фанлари доктори,
Бердақ номидаги давлат мукофоти совриндори,
Сабир КАМАЛОВ,
академик, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори.

СПОРТ

БЕЛБОҒЛИ КУРАШ ДУНЁГА ЧИҚАДИ



15-18 август кунлари Фарғона шаҳрида белбоғли кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун I халқаро турнир бўлиб ўтди. Мусобақада мамлакатимиз полвонларидан ташқари Россия, Татаристон, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон, Тожикистон республикаларидан ташриф буюрган етмишдан ортиқ спортчи иштирок этди. Қатнашчилар етти вазн тоифаси бўйича ва мутлақ ғолиблик учун гиламга чиқдилар.

Турнирнинг олтин медаллари Мадамин Салаев(60 кг. Ўзбекистон-1), Валишер Каримов(66 кг. Фарғона), Шуҳрат Исоқов(73 кг. Ўзбекистон-1), Рафаэл Ахметхонов(81 кг. Татаристон), Чори Жуманов(90 кг. Туркманистон), Фахриддин Болтабоев(100 кг, Ўзбекистон-1), Михаил Старков(+100 кг. Россия)ларга насиб этди. Мутлақ ғолиблик учун кечган баҳсларнинг финалида эса фарғоналик Фахриддин Болтабоев ҳамда андижонлик Ҳамроқул Каримовлар ўзаро рўбарў келишди. Ҳал қилувчи беллашувда очколар ҳисобида ғалаба қозонган Фахриддин республикамиз Президенти соврини — «Нексия» автомашинаси соҳиби бўлди.

Мазкур турнир полвонлар учун октябрь ойида Тошкентда ўтадиган белбоғли кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатига тайёргарлик вазифасини ўтади.

■ **Эркин ХОЛБОБО**

✧✧✧

Суратларда: турнир бош соврини «Нексия» автомобили; мусобақадан лавҳалар.

Шамсиддин ҚОРАБОЕВ олган суратлар.

ГИЁҲВАНДЛИК — ИЛЛАТ!

«СИЗДАН ИЛТИМОС, ИСМИМНИ ЁЗМАНГ»

ЁЛВОРАДИ ЎН САККИЗ ЁШЛИ ЙИГИТ. «КЕЙИН БИР УМР УЙЛАНОЛМАЙМАН, ДЕБ ҚЎРҚАМАН...»

Жиноят. Жазо. Қамоқ...

Бу сўзларни эшитган ҳар бир инсон зотининг эти жимирлаши аниқ. Баъзан кимдир билиб-билмай жиноятга қўл уради. Гоҳо беайб айбдор ҳам бўлиши мумкин. Аммо, бугун биз сўз юритмоқчи бўлган айрим инсонлар тақдирининг кемтик бўлишида уларнинг ўзлари айбдор.

Биз уларнинг ҳар бири кўзларида мунг, юзларида синиқлик кўрдик. Қиёфаларида ҳорғинлик ва тушкунлик шундоқ сезилиб турибди. Бу лаблар кулгу нималигини унутган. Оила, болачақа, ҳаётнинг ширин дамлари улар учун гўё бегона... Ўзига хос маҳкумлар, ўзига хос маҳбуслар. Бир лаҳзалик қайфу сафо, бир муддатлик ўткинчи лаззатнинг асири улар...

— Бизда асосан суд ҳукми эълон қилинган беморларгина қабул қилинади, — дейди Сурхондарё вилоятининг Шарғундаги ихтисослашган мажбурий даволаш наркология шифохонаси бош шифокори Ҳаёт Остонақулов. — Ҳозир шифохонада 72 нафар бемор бор. Шулардан 30 нафарига суд ҳукми эълон қилинган. Уларни 6 ойдан 1,5 йилгача гиёҳвандлик ва ичкилик асоратларидан қутилиш учун даволаймиз. Ўз ҳоҳиш-истаклари билан келганлари ҳам бор. Беморларнинг келиб чиқиши, насл-насаби ва исм-шарифини сир сақлаймиз... Адашган, турмуш сўқмоқларида қоқилган бундай инсонларни ҳаётга қайтариш — бизнинг вазифамиз, бурчимиз. Даволаш тартибимиз қатъий. Уч маҳал бепул иссиқ овқат, дори-дармон, профилактика... Ўтган йиллар ичида 900 га яқин беморга шифо кўрсатдик. Уларнинг ўн тўрт нафари қайта даволанишди.

— Иродам кучсизлик қилди, — дейди термизлик Т. — Бу ерга учинчи марта келишим. Бир йиллик мажбурий шифодаман. Икки марта гиёҳвандлигим учун даволандим. Бу гал эса ичкилик боис... оиламдан, бола-чақамдан айрилдим...

Унинг юзларига саноқсиз ажинлар оралаб, кўмирдек қорая бошлаган косов билакларига игна билан ўйиб солинган алламбало суратлар чизиб ташланган эди.

—...Бари ўтди, — давом этади у мўлтираб. — Ҳозир 47 ёшдаман. Умримнинг кўпи маҳкумликда ўтди... Тўққиз йил «ўтириб» чиқдим... Ўзим сабабчи, ўзим гуноҳкор. Биламан, умрим кам қолди. Гиёҳвандлик ва ичкиликнинг охири турма ёки ўлим эканлигини тушуниб турибман, лекин... энди кеч... — оғир хўрсинди у.

— Сиздан илтимос исмимни ёзманг, — ёлворади шеробдлик ўн саккиз ёшли йигит. — Қизлар менга энди турмушга чиқмайди, деб қўрқаман... Оилада икки нафар ўғилмиз. Онам уй бекаси, отам ҳайдовчи. Турмушимиз фаровон эди. Тўқликка шўхлик қилиб, 17 ёшимда гиёҳвандликка ружу қўйдим. Дастлабки кезларда томиримдан бир кунда бир «пакет»гача героин олдим. Борабора бу кўпайди. Агар «қабул» қилмасам суякларим қақшаб кетаверарди. Ўша лаҳзада «зорманда»ни олмасам ўлиб қоладигандек сезардим. Мана, ҳозир бу ерда анча шифо топдим. Миям тиниқлашяпти. Соғайсам, муддатим тугаса, ҳайдовчи бўлмоқчиман...

Шифокорлар фикрича, бир нафар гиёҳванд йил давомида 48 нафаргача кишини, спиртли ичимлик истеъмол қилувчи эса 50-70 кишини (уларга ўз «касали»ни юқтириб) тубсиз жарликка етаклаши мумкин экан. Бу — онгли равишда амалга ошириладиган даҳшат эмасми?

1995 йил мазкур шифохонада 12 киши даволанган бўлса, ўтган йили бу рақам — 124 нафарни ташкил этди. Бунинг учун 2001 йилда давлат хазинасидан 23 миллион 545 минг сўм маблағ сарфланди. Мана, сизга математик қиёс: бир нафар гиёҳванд ёки ичувчининг давлатга қанчалик моддий ва маънавий зиён келтиришини энди ўзингиз тасаввур қилиб кўринг!

Деновлик Б.нинг ҳикоясидан: Ёшлигимдан ичкиликка берилдим. Бора-бора бир кунда 2-3 шишагача истеъмол қилишга ўтдим. Номусга чидай олмай, хотиним кетиб қолди. Ҳозир тўрт нафар фарзандим тирик етим. Тўғри, ўтган йили бир ойча бу зормандани умуман истеъмол қилмадим. Лекин, нима бўлдию, яна.. 5-6 кунлаб сурункали ичадиган одат чиқардим. 6-7 шиша ароқ бир кеча-кундузда дош бермасди. Кўча-куйда қолиб кетадиган бўлдим... Ички аъзоларим «тўкилиб» қолди гўё... Ниҳоят бу ерга ўз ихтиёрим билан келиб, бир йилдан буён даволанаяпман. Ҳаётимни қайта бошламоқчиман.

Осий бандалар... Тубсиз жарликка ўзларини ўзлари ташлаётган нодон инсонлар.

Шу мулоҳаза ва мушоҳадалар билан хаёлимизда ғужғон ўйнаётган саволларга жавоб излаймиз. Хўш, нега, нима учун?!

Сиз нима дейсиз, одамлар?

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ АУКЦИОН, ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

23,30 АВГУСТ ВА 6,13,20,27 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ ТАНЛОВ САВДОСИДА:

Яккасарой тумани халқ таълими бўлимига қарашли Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Яккасарой кўчаси, 6-уйда жойлашган 264-болалар боғчаси.

Бошланғич нархи — 12 923 000 сўм ёки 18 584 АҚШ доллари

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассаса ташкил этиш.
2. Белгиланган фаолият соҳасини камида 5 йил мобайнида сақлаб қолиш.
3. Боғча биносини ва иншоотларни қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш.
4. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш.
5. Боғча биноси ва иншоотларни қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармоялар ҳажми.
6. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш.
7. Мактабгача ёшдаги болаларга кўрсатиладиган хизматлар тури ва ҳажми.
8. Хизмат ҳақлари бўйича таклифлар ва имтиёзлар.
9. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш ҳамда унга бириктирилган ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш.
10. Сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари бўйича таклифлар.

Савдолар 11.00 да бошланади.
Аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади.

20,27 СЕНТЯБРЬ ВА 4,11 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ АУКЦИОН САВДОСИДА:

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасига қарашли Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Пушкин 1-тор кўчаси, 6-уйда жойлашган «Коммунал таъмирлаш» таъмирлаш-қурилиш бошқармаси давлат унитар корхонаси

Бошланғич нархи — 30 043 300 сўм ёки 40 055 АҚШ доллари

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасига қарашли Тошкент шаҳар ҳокимлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, «Спутник» даҳаси, 7-мавзе, 2-уйда жойлашган бино ва иншоотлари.

Бошланғич нархи — 3 053 300 сўм ёки 4390 АҚШ доллари.

Аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади, савдолар Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биносида бўлиб ўтади.

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент шаҳар филиали 2002 йил 16 августда танлов савдосига қўйилган 50-сон болалар боғчаси — 21 000 000 сўмга;

кимошди савдолари орқали Сирғали туманидаги 2 та ер майдонининг эгалик ҳуқуқи — 2 000 000 сўмга;

ўтган ҳафтада биржа савдоларида ҳаммаси бўлиб 29 та автотранспорт воситаси — 7 845 000 сўмга, шу жумладан, давлат корхоналарига тегишли бўлган 4 та автотранспорт воситаси — 4 085 000 сўмга;

нодавлат 2 та кўчмас мулк — 29 100 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокимияти томонидан 2002 йил 13 июлда Жавлон Дилмуродович Жабборов номига «Аҳолига чойхона хизмати» учун берилган №1018705 рақамли ПАТЕНТ йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши ижроия бюроси Қуйи Чирчиқ туман партия кенгаши биринчи котиби Сафарали Турғунбоевич Намазовга онаси **ГУЛЗАЙНАБ ая**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси Омон Мухторга опаси **Муаззам МУХТОРОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 136-53-70
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 136-53-21
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Guliston da — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi **Erkin XOLBOBOEV**

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi **Ikromjon ISMOILOV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: *Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.*

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. *Hajmi 2 bosma taboq.*

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 671

uzb.ovozi@sarkor.uz.

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA